



Коронавирусдан вакциналар пойгаси финиш чизигига чикиб, кўплаб мамлакатлар ҳукумати аҳолини эмлашни бошлаб юборди. Лекин шундай бўлсада, Associated Press хабарига кўра, бутун дунё бўйлаб мусулмон давлатлари вакциналардан хавотирда, чунки чўчкалардан олинган желатин вакциналарни узок вақт сақлаш ва транспорт воситасида ташишда хавфсизлик ва самарадорликни кафолатлаш учун стабилизатор сифатида фойдаланилади.

Pfizer, Moderna ва AstraZeneca вакилларининг айтишича, чўчкадан олинган махсулотлар уларнинг коронавирусга қарши вакцинаси таркибига кирмайди. Лекин вазият шундайки, Индонезия каби айрим мусулмон давлатлари халол сертификатини олмаган вакцина олади.

Мусулмон мамлакатларда халол/харом нуқтаи назардан вакциналар муаммоси янгилик эмас. 2018 йил Индонезия Уламолар кенгаши, мамлакатнинг халол сертификатлар берувчи олий маъмурий органи, кизамик ва кизилча касаллигига қарши вакциналардан фойдаланишни чўчкадан олинган желатин туфайли харом деб эълон қилганди.

Танқидчилар бу фатводан кейин кизамикка чалиниш ҳолатлари кескин ортган деб айтади, Индонезия хозир кизамик ҳоллари бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Бирок, бу чўчка махсулотларидан фойдаланиш жоиз бўлиши мумкин дегани эмас, деб даъво қилинмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган компаниялардан фаркли равишда, коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқарувчи Хитой компанияларидан бири бўлган Sinovac Biotech, шунингдек, Sinopharm ва CanSino Biologics компаниялари уларнинг вакциналари таркибий қисмлари ҳақида саволларга жавоб бермади. Улар бутун дунё бўйлаб мусулмон мамлакатлар билан миллионлаб долларлик шартномалар тузган. Покистон сўнгги босқичда бўлган CanSino Biologics вакцинаси клиник синовларини ўтказяпти.

Индонезия олий ислом органи Хитойнинг Sinovac Biotech компанияси томонидан ишлаб чиқилган коронавирусга қарши экспериментал вакцинага халол сертификати беради.

Индонезия Уламолар кенгаши ва Озик-овқат махсулотлари, дори-дармонлар ва косметика буюмларини баҳолаш институти тадқиқотни тугатди, тез орада фатво ва халол сертификат олиниши кутилмоқда, хабар қилади тараққиёт ва маданият вазири Мухаджир Эффенди.

Таъкидлаш жоизки, Уламолар Кенгашига улар учун Хитой компаниялари билан шартномалар аллақачон хал қилинган давлат органлари томонидан ҳам, коронавирусдан

вакцина дунёни «нормал» ҳолатга келтиришга кодир бўлган мўъжизали панацея сифатида кўриб чиқиладиган жамият томонидан ҳам ажойиб босим остида эканлигини унутманг. Индонезиялик уламолар Парвардигор олдидаги бурчини адо этиб, тадқиқотни муносиб тарзда олиб боришига умид қилинмоқда.

Абу Муслим